<i>Donisheva Gulro'y Axrorqul qizi</i>	
USE OF IT IN THE PROCESS OF LEARNING A FOREIGN LANGUAGE .....	441-444
<i>Qurbanboyeva Dilfuz Shukur qizi</i>	
FORMING COMMUNICATION COMPETENCES OF STUDENTS .....	445-449
<i>Erkaboev Oybek Mukhammadzhonovich</i>	
THE GROWTH RATE OF INDICATORS OF SPECIFIC COORDINATION ABILITIES OF CHILDREN AGED 6 YEARS .....	450-456
<i>Abatov Jalgasbay Orinbaevich</i>	
TEACHING FINE ART LESSONS IN CONNECTION WITH HISTORY .....	457-463
<i>Akramjonova Feruza Akramjonovna</i>	
INFLUENCE OF INNOVATIVE EDUCATIONAL ENVIRONMENT ON THE EDUCATIONAL PROCESS IN PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTION .....	464-468
<i>Makhmudova Zulfiya Khomitovna</i>	
ORGANIZATION OF PRESCHOOL EDUCATION AND FAMILY COOPERATION .....	469-476
<i>Abduvasieva Mahmuda Khamidullo qizi</i>	
UNIQUE ASPECTS OF THE CHINESE EDUCATION SYSTEM .....	477-483
<i>Boboqulov Chori Urolovich</i>	
PEDAGOGICAL PROBLEMS IN THE FORMATION OF MENTAL ABILITIES IN PRIMARY CLASS STUDENTS AND THEIR SOLUTION .....	484-489
<i>Esanova Gulchehra</i>	
PRINCIPLES AND METHODS OF PHYSICAL TRAINING OF YOUNG FOOTBALL PLAYERS .....	490-497

**Received:** 22 April 2024**Accepted:** 1 May 2024**Published:** 10 May 2024*Article / Original Paper***STUDYING AND ASSESSMENT OF THE INTERNAL CONTROL SYSTEM IN THE AUDIT OF PROVISIONS****Achilov, Farkhodjon Shavkatjon o'g'li**

Tashkent State University of Economics

Associate Professor of "Audit" Department, Ph.D

**Abstract.** In this article describes the process of studying and assessing of the internal control and accounting system when auditing of provisions of business entities. Also, proposals and recommendations were formulated for applying audit procedures when checking provisions. It has been scientifically proven that high efficiency is achieved through studying the internal control system when checking provisions and using an evaluation questionnaire during the audits.

**Key words.** Provisions, audit risk, financial statement audit, internal control system, accounting system, control tests, substantive tests, audit procedures, detail tests.

**БАҲОЛАНГАН МАЖБУРИЯТЛАР АУДИТИДА ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ЎРГАНИШ ҲАМДА БАҲОЛАШ****Очилов, Фарходжон Шавкатжон ўғли**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

“Аудит” кафедраси доценти, PhD

**Аннотация.** Мазкур мақолада хўжалик юритувчи субъектларда баҳоланганд мажбуриятларни аудиторлик текширувидан ўтказишида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш жараёни ёритиб берилган. Шунингдек, баҳоланганд мажбуриятлар аудитида аудит амалларини кўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар шакллантирилган. Баҳоланганд мажбуриятлар аудитида ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш бўйича саволномадан аудиторлик текширувлирида фойдаланиш орқали юқори самарадорликка эришиш илмий асосланган.

**Калит сўзлар.** Баҳоланганд мажбуриятлар, аудиторлик риски, молиявий ҳисобот аудити, ички назорат тизими, бухгалтерия ҳисоби тизими, назорат тестлаш, моҳиятига кўра текширув, аудиторлик амаллари, батафсил тестлаш.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I5Y2024N09>

**Кириш.** Бугунги қунда мамлакатимизда фаолият юритаётган турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларида мавжуд муҳим бузиб кўрсатишлар риски даражасини аудиторлик текшируvida тўғри аниқлаш ҳамда бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисобот моддалари бўйича ички назорат тизими ва назорат воситаларининг самарали ишлаётганлигини ўрганиш ҳамда баҳолаш мақсадга мувофиқ. Баҳоланганд мажбуриятлар аудитини ўтказишида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қўйидагилар

орқали ёритиб бериш лозим:

1. Баҳоланган мажбуриятларни тўғри ҳисобга олинганигини тасдиқлаш долзарб ҳисобланади. Бунда, бухгалтерия ҳисоби тизими амалдаги бухгалтерия стандартларига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектнинг барча баҳоланган мажбуриятларини тўғри қайд этиш имкониятига эга бўлиши керак. Баҳоланган мажбуриятлар бўйича ахборотлар бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартларига мувофиқ эканлигини ўрганиш аудиторга молиявий ҳисботдаги турли муҳим бузиб кўрсатишларни тушунишга ҳамда уларни бартараф этишга ёрдам беради.

2. Ички назорат тизими хатолар, фирибгарлик ва молиявий маълумотларнинг бузиб кўрсатилишини минималлаштиришга қаратилади. Ички назорат тизимини баҳолаш аудиторга баҳоланган мажбуриятларни баҳолашда фойдаланилган ахборотлар ишончли ва асосли эканлигини ҳамда мазкур маълумотларга таъсир қилиши мумкин бўлган назорат воситалари самарали эканлигини аниқлашга хизмат қиласади.

3. Ички назорат ва бухгалтерия ҳисоби тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш аудиторга баҳоланган мажбуриятларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлигига таъсир қилиши мумкин бўлган хато ва қоидабузарликларни аниқлаш имконини беради. Буни тегишли баҳоланган мажбуриятларни тан олиш ҳамда баҳолаш бўйича назорат тартиб-қоидаларининг мавжуд эмаслиги, хужжатларнинг етарли эмаслиги ёки бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартларига риоя қилмаслик ҳолатлари келтириб чиқаради.

4. Ички назорат ва бухгалтерия ҳисоби тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш орқали хўжалик юритувчи субъектнинг келгусида баҳоланган мажбуриятларни тан олиши ҳамда аниқ баҳолаши бўйича назорат воситаларининг самарадорлигини оширишга эришилади.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, мажбуриятлар аудитида молиявий ҳисботлардаги муҳим бузиб кўрсатишлар риски даражасини аниқлашнинг энг самарали ҳамда амалиётда мутахассислар томонидан тан олинган йўналишларидан бири сифатида ички назорат ҳамда бухгалтерия ҳисоби тизимини ўрганиш ва баҳолаш бўйича саволномалардан фойдаланиш зарур эканлигини таъкидлаш жоиз.

**Адабиётлар шарҳи.** Мажбуриятлар аудитини ташкил этиш ва ўтказиш, аудиторлик текширувида хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш юзасидан бир қатор хорижий ва иқтисодчи олимлар илмий-тадқиқот ишларини олиб борган. Улардан айримларининг фикрларига тўхталиб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир.

«Текширилаётган субъектнинг фаолиятини, уларнинг назорат муҳитини тушуниш ва текширилган молиявий ҳисботлардаги муҳим бузиб кўрсатишлар рискини баҳолаш» номли 8-сон РФАФСга мувофиқ «аудиторлик текширувидан ўтказилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини, операцияларни амалга оширишда ички назорат тизимини ўрганиш ва текширилаётган молиявий ҳисботлардаги муҳим бузиб кўрсатишлар рискини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Молиявий ҳисбот аудитини ўтказиш ва молиявий ҳисботларнинг ишончлилик даражаси тўғрисида профессионал фикр билдириш учун назорат тизимларини етарли даражада баҳолаш мақсадга мувофиқ» [1].

Р.П.Булыга «Ички назорат - бу хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан

субъектнинг иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида маълумот олиш, шунингдек ишончли молиявий ҳисоботларни тузиш мақсадида амалга ошириладиган жараён», деб таърифлаган [2].

В.В.Бурцев эса «Ички назорат - бу ҳақиқатдаги маълумотларни бизнес режадаги маълумотлар билан таққослаш, аниқланган оғишларни баҳолаш, оғишларга таъсир қилган сабаблар ва омилларни таҳлил қилишга қаратилган функционал ҳаракатлар тизими» эканлигини таъкидлаб ўтган [3].

Л.И.Хоружийнинг фикрича, «Ички назорат - фаолият самарадорлигини ҳар томонлама тавсифловчи корхоналарнинг молиявий кўрсаткичларидир» [4].

Л.В.Сотникова ўзининг тадқиқот ишида «Ички назорат - бу корхона хўжалик операцияларининг самарадорлигини назорат қилиш жараёнини амалга оширадиган тизим», деб таъкидлаган [5].

Ashbaugh Skaife, Collins, Kinney Jr. Lafond каби олимлар «хўжалик юритувчи субъектларда ички назорат тизими ва аудит иши сифатининг ўзаро боғлиқлиги бўйича илмий-тадқиқотларни олиб боришган» [6].

Яна бир олимлар гуруҳи Г.Ким, В.Ричардсон ва М.Ватсонлар «ички назорат тизимининг асосий компонентларидан бири ахборот ва коммуникация билан боғлиқ ички назоратнинг заиф томонлари фирма ва унинг раҳбариятига муҳим таъсир қиласди» [7] деган хуносага келган.

С.Абраеванинг фикрига кўра, «Ички назорат тизими фаолиятини ўрганиб уни баҳолаш эса аудиторга текширув жараёнида унга таяниш мумкин ёки йўқлиги ҳақида қарор қабул қилишида ёрдам беради. Булар эса, ўз навбатида, аудитнинг муҳим босқичларидан бири бўлган риск ва муҳимлик чегараларини аниқлашда аудиторга қўл келади» [8].

Умуман олганда, хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш баҳоланган мажбуриятлар аудитида муҳим роль ўйнайди, чунки ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш аудиторга баҳоланган мажбуриятларни тўғри ва аниқ баҳолашда фойдаланилган ахборотларнинг ишончлилиги ва асослилигини баҳолаш ҳамда аудиторлик рискини тўғри аниқлаш имконини яратади.

**Таҳлил ва натижалар.** Мамлакатимиз аудиторлик фаолиятида сўнгги йилларда таваккалчиликка асосланган аудит ривожланиб бормоқда. Таваккалчиликка асосланган аудит - бу хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан боғлиқ рискларни аниқлаш ва баҳолашга қаратилган аудиторлик текширувидир. Шу боисдан, текширилаётган субъектнинг ички назорат тизими компонентларини саволномалар асосида баҳолаш орқали молиявий ҳисоботлардаги муҳим бузиб кўрсатиш рискини аниқлаш долзарб масалалардан биридир.

Баҳоланган мажбуриятларни аудиторлик текширувидан ўтказишда ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш муҳим ҳисобланади. Бунинг сабаби, шундаки, хўжалик юритувчи субъектлар баҳоланган мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобида тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш мақсадида олдинги тўпланган тажрибаларини инобатга олишлари зарур. Хўжалик юритувчи субъектнинг олдинги тажрибаларида мавжуд бўлмаган операцияларни баҳоланган мажбурият сифатида тан олиш учун бир қатор босқичларни амалга оширишлари лозим. Баҳоланган

мажбуриятларни тан олиш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш босқчиларини амалга ошириш жараёнларида риск даражасини ошириб юборадиган ҳолатлар кўп учрайди. Айнан мана шундай муҳим бузиб кўрсатиш рискларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида ички назорат тизими компонентларининг самарадорлигига ҳаққоний баҳо бериш аудиторларнинг зарур вазифалари қаторига киради.

Баҳоланган мажбуриятлар аудитида бухгалетрия ҳисоби ва ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолашдан асосий мақсад молиявий ҳисбот моддаларида мавжуд бўлган муҳим бузиб кўрсатиш ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиши ҳисобланади.

Баҳоланган мажбуриятлар аудитида аудитор мажбуриятларни баҳолашнинг ишончлилиги ва мувофиқлигини текшириш учун турли хил аудит амалларидан фойдаланади. Қуйида ушбу жараёнда қўлланиладиган асосий аудит амаллари ва уларнинг тавсифлари келтирилган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Баҳоланган мажбуриятлар аудитида аудит амалларини қўллаш кетма-кетлиги<sup>1</sup>

№	Аудит амалининг номи	Тавсифи	Аудит амалининг тури	Маълумот манбалари
1.	Баҳолаш методологиясини таҳлил қилиш	Аудитор мажбуриятларни баҳолашда қўлланиладиган усулларни, жумладан, математик моделларни, статистик усулларни ёки бошқа ёндашувларни кўриб чиқиши лозим. Амалдаги усулларнинг аудит стандартлари ва молиявий ҳисбот талабларига мувофиқлиги текширилади.	Назорат тестлаш, моҳиятига кўра аудит амаллари	Маҳсулот, товар, иш, хизматларни етказиб бериш бўйича шартномалар, меҳнат шартномалари, даъволар ва бошқалар.
2.	Тахминлар ва кўрсаткичларни таҳлил қилиш	Аудитор мажбуриятларни баҳолашда фойдаланиладиган тахминлар ва кўрсаткичларни, масалан, фоиз ставкалари, муддатлар, инфляция кутилмалари ва бошқаларни текширади. Тахминларнинг оқилоналиги ва асослилиги мавжуд маълумотлар ҳамда омиллар асосида таҳлил қилинади.	Назорат тестлаш, моҳиятига кўра аудит амаллари	Баҳоланган мажбуриятларни ҳисобга олиш учун аналитик карточкалар, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, ҳисоб сиёсати, молиявий ҳисботлар, преискурантлар.
3.	Ўтган давр маълумотлари билан таққослаш	Мажбуриятларнинг жорий баҳолари муҳим ўзгаришлар ёки оғишларни аниқлаш учун олдинги даврлардаги тахминлар билан	Назорат тестлаш, моҳиятига кўра аудит амаллари	Баҳоланган мажбуриятларни ҳисобга олиш учун аналитик карточкалар,

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси

		таққосланади. Ҳар қандай ўзгаришларнинг сабаблари таҳлил қилинади ва уларнинг асослилиги текширилади.		бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, ҳисоб сиёсати, молиявий ҳисоботлар.
4.	Ташқи тасдиқларни олиш	Аудитор ташқи тасдиқлашни, масалан, учинчи томон баҳоловчиларидан, бошқа контрагентлардан ёки тегишли соҳадаги экспертлардан сўраши мумкин. Мазкур жараёнда тақдим этилган маълумотлар ва фикрларнинг мустақиллиги ҳамда холислиги текширилади.	Назорат тестлаш, моҳиятига кўра аудит амаллари	Ташқи тасдиқномалар, эксперт хуносалари, баҳоланган мажбуриятларни ҳисобга олиш учун аналитик карточкалар, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, ҳисоб сиёсати, молиявий ҳисоботлар.
5.	Арифметик аниқликни ва баҳолар асослигини текшириш	Аудитор мажбуриятларни баҳолашнинг тўғрилигини текширади, масалан, қўлланилган баҳолар ҳақиқий маълумотлар ёки муқобил баҳолаш усуллари билан солиширилади. Олинган натижаларнинг асослилиги ва ишончлилиги баҳоланади.	Назорат тестлаш, моҳиятига кўра аудит амаллари	Баҳоланган мажбуриятларни ҳисобга олиш учун аналитик карточкалар, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, ҳисоб сиёсати, молиявий ҳисоботлар.
6.	Таъсирчанлик таҳлили	Таъсирчанлик таҳлили молиявий ҳисботнинг асосий кўрсаткичларидаги ўзгаришлар баҳоланган мажбуриятларни баҳолашга қандай таъсир қилиши мумкинлигини аниқлаш учун амалга оширилади. Баҳоланган мажбуриятлар, одатда, юридик жавобгарлик натижасида юзага келадиган аниқ мажбуриятлар асосида пайдо бўлади. Таъсирчанлик таҳлили мажбуриятларни баҳолаш билан боғлиқ риск ва номувофиқлик даражасини аниқлашга ёрдам беради.	Назорат тестлаш, моҳиятига кўра аудит амаллари	Мол етказиб берувчи ва харидорлар билан тузилган шартномалар, баҳоланган мажбуриятларни ҳисобга олиш учун аналитик карточкалар, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, ҳисоб сиёсати, молиявий ҳисоботлар.
7.	Рискларни	Аудитор мажбуриятларга	Назорат	Баҳоланган

	бошқаришни таҳлил қилиш	оид рискларни баҳолаш ва уларни камайтириш ёки бошқариш бўйича кўрилган чоралар самарадорлиги билан боғлиқ рискларни бошқариш тизимини таҳлил қиласди. Назорат амалларининг етарлилиги ва ҳаққонийлиги баҳоланади.	тестлаш, моҳиятига кўра аудит амаллари	мажбуриятларни ҳисобга олиш учун аналитик карточкалар, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, ҳисоб сиёсати, молиявий ҳисботлар.
8.	Баҳоланган мажбуриятларни тасдиқловчи хужжатларни кўриб чиқиш	Баҳоланган мажбуриятларни баҳолаш жараёнини асословчи тегишли хужжатлар, масалан, баҳоловчиларнинг ҳисботлари, молиявий моделлар, йиғилишлар баённомалари ва бошқалар таҳлили ўтказилади. Тақдим этилган хужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги текширилади.	Назорат тестлаш, моҳиятига кўра аудит амаллари	Баҳоланган мажбуриятларни ҳисобга олиш учун аналитик карточкалар, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, ҳисоб сиёсати, молиявий ҳисботлар баҳоловчи ташкилотларнинг ҳисботлари.

Юқорида келтириб ўтилган аудит амаллари аудиторга молиявий ҳисботларда мажбуриятлар бўйича маълумотларни текширишнинг асосий жиҳати бўлган баҳоланган мажбуриятларни баҳолашнинг ишончлилиги ва ўринлилиги тўғрисида етарли далилларни олишга имконият яратади.

Аудит амалларини қўллашда, баҳоланган мажбуриятлар бўйича резервларни шакллантириш билан боғлиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолиятида содир бўлган операцияларга аниқлик киритиш лозим.

Сўнгги йилларда таваккалчиликка асосланган аудитга бўлган эҳтиёж ортиб бораётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз. Шу сабабли, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисботлари ҳамда фаолиятдаги мавжуд муҳим бузиб кўрсатиш рисклари даражасини аудиторлик текшируvida аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш долзарб масалалардан бири ҳисбланади.

Мазкур муҳим бузиб кўрсатишлар риски даражасини аниқлашда текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ички назорат тизимининг самарали ёки самарали эмаслигини саволномалар орқали баҳолаш методологияси ҳар бир текшириладиган объектнинг хусусиятига қараб ўзгариши мумкин.

Умуман олганда, мажбуриятлар ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказиша ички назорат тизимининг ҳар бир элементи бўйича ишлаб чиқилган саволномаларда баҳоланган мажбуриятлар билан боғлиқ жараёнларнинг ўз ичига қамраб олиниши муҳим аҳамиятга эгадир (2-жадвал).

**2-жадвал****Баҳоланган мажбуриятлар билан боғлиқ операциялар бўйича ички назорат тизимини баҳолаш саволномаси<sup>1</sup>**

Саволлар	Жавоблар	
	Ҳа	Йўқ
<b>1. Жорий назорат воситалари</b>		
1.1. Баҳоланган мажбуриятларни инвентаризация қилиш тасдиқланган режага мувофиқ, шунингдек, муйян мажбурият билан боғлиқ янги ҳодисалар юзага келганда амалга ошириладими?	+	
1.2. Активлар ва бухгалтерия ҳисоби ёзувларига, шунингдек, амалий дастурлар ва компьютер ахборот тизимларига киришни чеклаш талаблари тўлиқ бажарилганми?	+	
1.3. Ходимлар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилиб, тўлиқ ҳажмда назорат қилинмоқдами?	+	
1.4. Мулк ва ҳужжатларнинг сақланиши учун шароитлар тўлиқ таъминланганми, (сейфлар, жиҳозланган омборлар, архивлар, сигнализация тизимлари, хавфсизлик хизмати мавжудми)?		+
1.5. Ходимларнинг тил бириткириши орқали жорий ички назорат тартиб-қоидаларини четлаб ўтиш имкони мавжудми?	+	
1.6. Ички назоратни амалга ошириш учун жавобгарлик юклangan шахслар томонидан ўз ваколатларини суистеъмол қилиш эҳтимоли мавжудми?		+
1.7. Хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятларни баҳолаш учун белгилangan тартиб ва методика мавжудми?	+	
1.8. Мажбуриятларни баҳолашда аниқ белгилangan усуллар мавжудми ва ҳисоб сиёсатида акс эттирилганми?	+	
1.9. Бошқарувнинг турли даражаларида моддий жавобгарликни тақсимлаш тартиби мавжудми?		+
<b>2. Бошланғич ҳисоб ва маълумотларни тайёрлаш босқичида хўжалик операцияларини назорат қилиш</b>		
2.1. Хўжалик операцияларининг мавжудлиги ҳамда ҳақиқийлиги бўйича ички аудит текширувлари мунтазам равишда амалга ошириладими?		+
2.2. Регламентлар ва нормалар, стандартларга мувофиқлик мунтазам равишда текшириладими?		+
2.3. Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текшириш натижалари мунтазам равишда бухгалтерия ҳисоби билан таққосланадими?	+	
2.4. Ҳужжатларни расмийлаштиришда белгилangan талабларга риоя қилинадими ва ҳужжатларни кетма-кет рақамлаш қўлланиладими?	+	
2.5. Хўжалик операцияларининг ўзаро боғлиқлиги тизимили равишда текшириладими ва мувофиқлаштириладими?	+	
2.6. Аналитик ҳисоб ва айланма қайдномалар ҳамда бухгалтерия ёзувларининг арифметик аниқлиги мунтазам текшириладими?	+	
2.7. Баҳоланган мажбуриятларни баҳолаш билан боғлиқ рисклар ва ноаниқликларни баҳолаш тартиби мавжудми?		+

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси

<b>3. Ички назорат функцияларининг баҳарилишини текшириш</b>		
3.1. Баҳоланган мажбуриятлар ҳисобини юритишнинг ҳисобсиёсати ва унинг элементларига мувофиқлиги тизимли равища текшириладими?	+	
3.2. Тўсатдан ўтказиладиган инвентаризация ва бошқа текширувлар тизимли равища амалга ошириладими?		+
3.3. Лавозим йўриқномаларига риоя қилиш мунтазам равища назорат қилинадими?		+
3.4. Тугалланган хўжалик операциялари бўйича бирламчи ҳужжатлар мавжудлиги тизимли равища текшириладими?	+	
3.5. Баҳоланган мажбуриятларни шакллантириш ва баҳолашнинг мақсадга мувофиқлиги тизимли текшириш ҳамда солишириш орқали амалга ошириладими?	+	
3.6. Ноодатий операциялар тизимли равища назорат қилинадими?		+
3.7. Мажбуриятларни баҳолаш учун муайян масъул шахс тайинланганми? Баҳолашларнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун ваколатли лавозимлар ва шахслар мавжудми?		+
3.8. Олдинги йиллар тажрибалари ва аудит натижалари асосида жавобгарликни баҳолаш жараёнини такомиллаштириш ва фикр-мулоҳазаларни тақдим этиш механизмлари мавжудми?	+	

Юқорида келтирилган ички назорат тизимини текшириш бўйича саволлар аудиторга хўжалик юритувчи субъектда баҳоланган мажбуриятлар бўйича хўжалик операцияларининг қай даражада акс эттирилганлигини ҳамда мазкур баҳоланган мажбуриятларнинг тўғри баҳоланиши ва ҳисобга олинишини таъминлаш учун ички назорат тизимининг мавжудлигини ҳамда унинг самарадорлигини баҳолашга ёрдам беради.

Хўжалик юритувчи субъектларда халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисботларни тузиш ва тайёрлаш чоғида мажбуриятлар миқдорини тўғри ҳамда ҳаққоний акс эттиришни мақсад қилишини инобатга олган ҳолда, аудиторлик текшируvida айнан баҳоланган мажбуриятлар билан боғлиқ муҳим бузиб кўрсатишлар риски даражасини аниқлаш ҳамда камайтириш зарур.

**Хуроса.** Баҳоланган мажбуриятлар аудитида ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш бўйича юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар натижасида қуйидаги хуросалар шакллантирилди:

1. Молиявий ҳисбот аудитида баҳоланган мажбуриятларнинг миқдори ҳамда уларнинг асослилиги ва ишончлилигига таъсир қилувчи ҳар қандай муҳим бузиб кўрсатишларни аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун, аудиторлик текшируvida баҳоланган мажбуриятларни аудиторлик текширувидан ўтказишида етарли ҳамда мос аудиторлик далилларини тўплаш мақсадида аудит амалларини қўллаш тартиби ишлаб чиқилди. Мазкур аудит амалларини қўллаш тартибидан фойдаланиш орқали аудит иши сифатининг даражаси ҳамда аудиторлик хуросасининг ишончлилиги ошишига, шу билан бирга, аудиторлик риски даражасини мақбуллаштириш ва камайтиришга эришилади.

2. Аудиторлик текширувининг энг асосий жараёнларидан бири хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолашдир. Буни

инобатга олган ҳолда, баҳоланган мажбуриятлар билан боғлиқ операциялар бўйича ички назорат тизимини баҳолаш саволномаси ишлаб чиқилди. Мазкур саволномани амалиётда баҳоланган мажбуриятлар аудитида қўллаш аудиторлик текширувини тўғри ҳамда самарали режалаштиришга ва хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини тўғри тавсифлашга замин яратади. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъект томонидан мажбуриятлар билан боғлиқ молия-хўжалик операциялари қай даражада самарали бошқарилаётганлиги тўғрисида ишончли хулоса шакллантирилишига эришилади.

3. Таҳлилларга кўра, молиявий ҳисоботларда баҳоланган мажбуриятлар бўйича маълумотларни аудиторлик текширувидан ўтказишида анъанавий усуслардан фойдаланиш ҳар доим ҳам юқори самара бермаслиги мумкин. Шу сабабли, баҳоланган мажбуриятларни аудит қилишда муҳимлик даражасини белгилаш, ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш, аудиторлик риски даражасини аниқлашнинг халқаро амалиётда қўлланилаётган усусларини ўз ичига олган баҳоланган мажбуриятларни аудиторлик текширувидан ўтказиш йўналишларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ эканлиги илмий асосланди.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Федеральный стандарт аудиторской деятельности Российской Федерации (ФСАД) №8 «Понимание деятельности аудируемого лица, среди, в которой она осуществляется и оценка рисков существенного искажения аудируемой финансовой (бухгалтерской) отчетности». minfin.gov.ru
2. Р.П.Булыга Классификация и стандартизация финансового контроля и аудита в Российской Федерации / Р. П. Булыга // Учет. Анализ. Аудит. – 2017. – № 5. – С. 14.
3. В.В.Бурцев Внутренний финансовый контроль на предприятии: методологические вопросы / В. В. Бурцев // Финансы. – 2003. – № 11 (107). –С. 3
4. Л.И.Хоружий О совершенствовании бухгалтерской отчетности организаций АПК / Л. И. Хоружий // Бухгалтерский учет в сельском хозяйстве. – 2010. – № 8. – С. 5
5. Л.В.Сотникова Внутренний аудит (текст лекций) / Л. В. Сотникова [Электронный ресурс]. – Режим доступа: [http://nashaucheba.ru/v59445/сотникова\\_л.в.\\_внутренний\\_аудит](http://nashaucheba.ru/v59445/сотникова_л.в._внутренний_аудит) (дата обращения: 23.03.2019).
6. Ashbaugh-Skaife, H., Collins, D. W., Kinney Jr, W.R. (2007). The discovery and reporting of internal control deficiencies prior to SOX-mandated audits. // Journal of Accounting and Economics, 44(1-2), 166-192.
7. Kim, G., Richardson V., Watson, M.W. (2018). IT does matter: The folly of ignoring IT material weaknesses. // Accounting Horizons, 32(2), 37-55.
8. Абраева С. Аудиторлик текшируви жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолашнинг аҳамияти. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-августъ, 2016 йил. <http://www.iqtisodiyot.uz/>.

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ 5 (4) – 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
мастъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).